

# Аҳолини рўйхатга олиш нима учун зарур?



*Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганидан буён аҳолини рўйхатга олиш тадбири ҳали бирор марта ҳам ташкил этилмаган. Бундай саноқ сўнгги бор собиқ иттифоқ даврида, аниқроғи, 1989 йилда ўтказилган эди. Ҳолбуки, халқаро тажрибадан маълумки, кўплаб давлатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири камидан ҳар 10 йилда бир мартаба ташкиллаштирилиши анъанага айланган. Республикамизда ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади. Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.*

## Фармон ва ижро

Дарҳақиқат, ҳужжатда ушбу йўналишдаги барча устувор жиҳатлар кўрсатиб ўтилган. Негаки, аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ҳамда эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланиб, келгуси 10 — 30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Ўз навбатида, ҳудудларни ривожлантириш, жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

Бизда яқин 30 йил мобайнида аҳолини рўйхатга олиш чора-тадбирлари амалга оширилмаганлигини айтиб ўтдик. Демак, бу борада тажриба етарли эмас. 1989 йилдаги жараёнда иштирок этган мутахассисларнинг аксарияти ҳозир пенсияда. Бу, ўз навбатида, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш имкониятини маълум миқдорда чеклайди. Қолаверса, аҳолини рўйхатга олишнинг у даврдаги тартиби билан бу галгиси ўртасида қатор тафовутлар мавжуд. Мисол учун, у пайтда аҳоли миграцияси ҳам, даромад ман-

балари ҳам бўлмаган. Ҳозирги кунда эса юртимизда нафақат аҳолини рўйхатга олиш бўйича мутахассислар, балки рўйхатга олинувчиларнинг ҳам тажрибаси кам. Бу эса тадбирларни амалга ошириш қисман қийин кечига сабаб бўлади. Шу маънода, бу йўналишдаги тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Манбаларга кўра, аҳолини рўйхатга олиш жараёни узоқ тарихга бориб тақалади. Аниқроғи, давлатчилик шаклланиши билан аҳолини ўз даврига мос равишда рўйхатга олиш жараёни бошланган. Бунда бир неча омилларга суянилган.

Биринчидан, давлат газнасига қанча солиқ тушишини олдиндан башорат қилиш учун фуқаролар рўйхати зарур бўлган. Иккинчидан, мамлакатни ташқи ва ички ёвлардан асраш учун эркак ҳарбий аскар ва зобитларга ҳаммиша эҳтиёж туғилган. Уларнинг сони қанча, ёши нечада, таркиби қанақа бўлишини олдиндан билиш учун ҳам аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Ҳозирги пайтда соҳада хилма-хил тажрибалар шаклланган. Ҳар бир давлат ўз географик жойлашуви ва миллий таркибидан келиб чиққан ҳолда, рўйхатга олиш жараёнини ташкил этади. Лекин бутун инсоният учун умумий кўрсаткичлар ҳам йўқ эмас. Уни қисқача қилиб аҳолини рўйхатга олиш дастури дейиш мумкин.

Мазкур дастур аҳолини рўйхатга олиш пайтидаги маълумотлар мажмуини қамраб олади. Дастурда рўйхатга олиш анкетаси муҳим ахборот воситаси ҳисобланади. Анкета аҳоли ҳақидаги маълумотларни олиш учун зарур бўлган саволлардан таркиб топади. У масалан, манзили: доимий ёки вақтинча истиқомат қилиш жойи; демографик аломатлари: жинси, ёши, оиласи, фуқаролиги, ирқий мансублиги, миллати, маълумоти, диний эътиқоди ва шу кабилар ҳақидаги саволлардан иборат.

Аҳолини рўйхатга олиш шакли ҳам турли муддатларда амалга оширилади. Масалан, умумий яхлит рўйхатга олиш ва натижаларни тўлиқ эълон қилиш даври 2-3 йилгача давом этиши мумкин.

Биринчи гуруҳ таркибига рўйхатга олинаётган вақтда ва ўрганилаётган ҳудудда, шунингдек, вақтинчалик истиқомат қилиб турган аҳоли киради. Иккинчи гуруҳ рўйхатга олиш жараёни ўрганилаётган ҳудудда яшаётган аҳоли қатламининг доимий (6 ой ёки 1 йилдан ортиқ муддатда) истиқомат қилиб турган қисмидан таркиб топади. Учинчи гуруҳ аҳолининг муайян ва мазкур ҳудудга юридик томондан бириктириб қўйилган (прописида бўлган) қисмини қамраб олади.

Аҳолини рўйхатга олиш эса умумийлик, бир лаҳзаллик, ҳар бир шахснинг номма-номлик, маълумотлар аниқлигини ўзи эркин эътироф этиш, маълумотларнинг сирлилиги ва дахлсизлик,

**А**ҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ҳамда эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланиб, келгуси 10 – 30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади.

Қисқа муддатларда аҳолининг чекланган бир қисмини рўйхатга олиш аҳолини тезкор рўйхатга олиш, деб айтилади. Одатда, бунинг муддати икки кундан бир ҳафтагача давом этиши мумкин. Бунда маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни марказлашган ҳолда бошқариш, қатъий мақсад ва чекланган қисқа кузатув дастури (1 — 5 саволдан иборат бўлади), шунингдек, тўпланган маълумотлар тезкорлигини таъминлаш асосий вазифалар ҳисобланади.

Рўйхатга олишда қатъий эътиборга олинандиган аҳоли тоифаларини шартли ҳолатда учта — мавжуд аҳоли қатлами, доимий аҳоли қатлами ва юридик аҳоли қатлами гуруҳларига бўлиш

қатъий марказлашган бошқарув асосида рўйхатга олиш, даврийлик каби тамойиллар асосида ташкил этилади. Бунда турли усуллардан фойдаланилади. Масалан, сўров усулида рўйхатга олиш бу борадаги махсус анкетани тўлдириш, юзма-юз суҳбат асосида, инспектор томонидан амалга оширилади. Бу Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ мамлакатларида қўлланилади.

Эки ўзи ҳисоблаш ва тўлдириш усули. Унда махсус анкетани, одатда, рўйхатга олинувчи шахснинг ўзи тўлдиради. Шунингдек, бир оилада истиқомат қилаётган айнан бир нафар шахс фарзандлари ёки яқинлари учун тўлдириши мумкин. Рўйхатга олувчи инспектор эса анкетанинг тўлдирилишини на-

зорат қилади, холос. Унга анкета тўғри ёки нотўғри тўлдирилгани, бирор-бир сўров банди жавобсиз қолиб кетмаслигини таъминлаш ёйинки қолиб кетган ҳолларда сабабини аниқлаш масъулияти юкланади. Ушбу усулдан Европадаги бир қатор давлатларда фойдаланилади. Яна бирининг номи аралаш (анкетали) усул, деб аталади. Ушбу усулда аҳолини рўйхатга олиш махсус анкетаси рўйхатга олинувчилар манзилига почта ёки интернет орқали юборилади. Ўз навбатида, қабул қилиб олинган анкетани фуқаронинг ўзи тўлдириб, аҳолини рўйхатга олиш бюроси ёхуд статистика хизматида қайта жўнатади. Улар тўлдирилган анкеталарга ишлов бериб, текширувдан ўтказилади. Анкета келмаган манзилларга эса сўров ўтказиш учун инспекторлар ёки масъуллар юборилади. Ушбу усул камхаржлиги билан ажралиб туради. Аммо қанча тарғибот қилинишига қарамай, маълумотларга қараганда, анкеталарни ўзлари тўлдириб юбориш кўрсаткичи кутилган натижани тўлиқ бермаяпти.

Умуман, ушбу масъулиятли вазифани юртимизда ҳам сифатли, замон талабларига мос ва самарали ташкил этишнинг асосий шартин жабҳага доир мустақам ҳуқуқий-институционал база яратишдир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиши белгилаб қўйилган.

Шундай экан, барча масъул ташкилот ва идоралар қатори биз каби мутахассисларнинг ҳам галдаги муҳим вазифаларидан бири ушбу қонун лойиҳасини давр талаблари ва айни чоғда миллий менталитетимизга мос равишда ишлаб чиқиш ва қабул қилишдир. Бу эса аҳолини рўйхатга олиш бўйича қабул қилинган концепция талаблари ҳамда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этишга ҳуқуқий замин яратади.

**Низомиддин ҲАЙДАРОВ,**  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор.